



“МИЛЛИЙ ЭСТРАДА ВОКАЛ САНЪАТИ”

**Гапуров Сардор Карим ўғли Ўзбекистон давлат консерваторияси
хузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти 2-
курс магистранти**

Аннотация. Мумтоз шеърятимизда эстрада кўшиқлари сифатида ижро этиладиган ва тингловчилар мусиқий ва шеърый дидини юқорига кўтарадиган шеърлар талайгина топилади. Мақолада эстрада хонандалигини ўзига касб қилган ижодкор мумтоз шеърятимиздаги шеърларга эътибор бериши ва шеърый китобларни доимий мутоола қилиб бориши лозимлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Шеър, кўшиқ, ижро, мусиқа, ижодкор, китоб, хонанда.

Ҳозирги замон ўзбек миллий эстрада хонандалигининг ривожланиш босқичларида миллийлик концептига таяниш долзарб вазифа бўлиб номоёнланмоқда. Бунда халқ руҳи, одатлари ва анъаналарига хос хусусиятларни миллийлик тушунчаси ифодалайди. Ўзбек миллий эстрада хонандалик санъати деганда куй ва кўшиқ матнининг миллий руҳ, оҳанг ва услубга асосланиши тушунилади. Биз миллий эстрада вокал санъати тушунчасини куйидагича тушунамиз:


- Куй тузилмаларининг халқона оҳанглар ва миллийзимга бойлиги,
- Кўшиқ матнинг руҳи, оҳанги ва мазмуни миллий туйғуларга асосланиши;
- Куйловчининг овози жарангдор, овоз пастановкаси ишланган бўлиши;
- Куй, шеър ва ижродан иборат трионинг уйғунлиги.

Мазкур юқорида кўрсатилган уйғунликлар эстрада вокал санъатининг мазмун моҳиятини белгилаб беради.

Ўзбек миллий эстрада вокал санъати тарихий тадрижий тараққиётида миллий ижрочилик мактаблари асосида ривожланиб келмоқда. Бундай мактабларнинг манбайи уч тоифага бўлинади:

1. Халқ оғзаки мусиқа ижоди;
2. Мумтоз анъанавий ижрочилик;
3. Жаҳон эстрадаси таниқли номоёндаларининг ижрочилик ютуқлари.

Бу уч манба эстрада вокал санъатимизнинг таянчидир. Шу сабабли асрлар давомида миллий эстрада ижрочилик мактаблари куй танлаш, кўшиқ яратиш ва куйлаш масалаларида тўғри йўл тутиб келган. Қадимги даврларда эркаклар ва





аёллар овози тенг ривожланиб, миллий менталитетга хос анъаналарга асосланиб шаклланган.


XX-асрга келиб ўзбек миллий эстрада вокал санъатида аёллар овози юксак даражада ривожланди. Берта Давидова, Тамарахоним, Мухаббат Шамаева, Раъно Шарипова, Юлдуз Усмонова, Кумуш Раззақова, Насиба Абдуллаева каби миллий эстрада жанрида ижод қилган ва қилаётган санъаткорларнинг ижрочилик мактаблари вужудга келди. Бу ижрочилик мактабларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- Муסיқаларнинг миллий руҳда бўлиши ва юксак даражадаги композиторлик ижоди;
- Қўшиқларнинг мавзу қўлланиши кенглиги ва мазмундорлиги;
- Ёрқин оҳангдор ва жарангли овоз билан куйланганлиги.

Мазкур хусусиятлар ҳозирги замон ўзбек миллий эстрад вокал санъати учун таъсир манбалари бўлиши керак. Чунки бугунги миллий эстрада вокал санъатимизда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланмоқда:

- Муסיқий заифлик, муסיқаларнинг саъз ва чолғулаштиришнинг ўринли амалга оширмаслик шунингдек тўғридан тўғри жаҳон эстрада санъати муסיқаларини ўзлаштириб олиш;
- Қўшиқ матнинг мазмунсизлиги, сўз ёки мисраларнинг жуда кўп такрорланиши
- Овоз апарати ишланмаганлиги ва уни ривожланмаганлиги;
- Профессинал композиторлар ва шоирлар билан ҳамкорликни йўлга қўйилмаганлиги;
- Хусусий телеканаллар ва радио каналлари орқали мазмунсиз ва савияси паст қўшиқларнинг кўпайиб кетганлиги каби камчиликларимиз мавжуд.

Бу камчиликлардан қутилишнинг йўлларида бири миллий эстрада ижрочилик мактаблари тажрибаларини ўрганишдир. Устоз-шогирд тизимини янада ривожлантириш. Тажрибали ва салоҳиятли композиторлар ва шоирлар билан эстрада вокал санъати йўналишида ижод қилаётган санъаткорлар билан тизимли учрашувлар ўтказиш ҳамда хонандаларнинг ижодий дастурларидаги қўшиқларни танқидий кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки санъат ривожда ўз хиссасини қўшган ижодкорларнинг бой тажрибалари ва ижрочилик мактабларида халқ оҳангларига, қўшиқ матнининг мукамаллигига, куйлашда эса овоз имкониятларига таянишади. Шу сабабли уларнинг куйланган қўшиқлари





мухлислари ва халқ томонидан барча даврларда эътироф этилиб келинмоқда.

Ҳозирги замон ўзбек миллий эстрада вокал санъатида энг катта камчиликлардан бири кўшиқ учун яхши шеърларни танлай олмасликдир. Ушбу камчиликни бартараф этиш учун мумтоз шоирларимизнинг лирик шеърлари ва янги давр шоирларининг эътироф этилган лирикаси ҳозирги замон ўзбек миллий эстрада кўшиқчилиқ санъати учун ўзига хос хазина вазифасини ўтаб беради.

Шу жихатдан мисол учун, Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларига эътиборизни қаратамиз:


Соқий май тут, қўйғил сўзни,
Хон қурилтойиға еткур ўзни.
Соф майи жон аро дилкаш эрур,
Тустуғон ичра қимиз ҳам хуш эрур.
Эй сарв сен ҳало ўзингни кўргиз,
Йотуғон бирла улуғ йирини туз.

Бу ўринда “май”- ишқ, “йотуғон”- чолғу ва “улуғ йир”- қадимги ўзбек куйи эканлиги маълум. Шу маънода шеърнинг ўзи куйни негиз охангини бериб турибди; иккинчидан мазмуни жуда салмоқли; учинчидан шеър оханги куйлашга жуда мос қилиб ёзилган яъни оханги ўзи билан туғилган.

Ёки Бобарахим Машраб шеърятидан олган қуйидаги мисраларга диққат қилинг:

Ишқинг ўтида куйдиму ёндим, хабаринг йуқ, эй дилбари айёр.
Зора қиламан кечаю кундуз, назаринг йуқ, эй золими хуннор.

Мумтоз шеърятимизда эстрада кўшиқлари сифатида ижро этиладиган ва тингловчилар мусиқий ва шеърый дидини юқорига кўтарадиган шеърлар талайгина топилишини эслатиб ўтишимиз лозим. Бунинг учун эстрада хонандалигини ўзига касб қилган ижодкор мумтоз шеърятимиздаги шеърларга эътибор бериши ва шеърый китобларни доимий мутоола қилиб бориши лозим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йулдошев томонидан ижро этилган Машраб ғазалига “Ҳеч хабаринг йуқ” кўшиғи мусиқа ихлосмандлари орасида яхши қабул қилингани бежиз эмас. Чунки шеър жуда ҳам савияли ёзилган. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки ҳозирги ўзбек эстрада вокал





санъати миллийликка таяниши билан ривожланишнинг янги босқичига чиқиши ва жаҳон эстрадаси билан бемалол рақобатлашиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- Ёшларимизни ўзбек миллий эстрада вокал санъати орқали ахлоқий етук, нозик дидли, юксак маданиятли, маънавиятли этиб тарбиялашни таъминлаш;

- Ўзбек миллий эстрада вокал санъатини тушуниб етишда, моҳиятини англашда яқка тартибда шуғулланиш имкониятларидан ва мумтоз адабиётимиздан кенг фойдаланиш;

- Жаҳон эстрадасини ўрганиш билан биргаликда ўзбек миллий эстрада вокал санъатини такомиллаштириш орқали буюк ватанимиз равнақига, бу табаррук замин хонандалиги келажагига ўз ҳиссасини қўшиш.

Демак, Ватанни севиш, она юртни мадҳ этиш, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар орқали ватанпарварлик руҳини қалбингизга жо қилиш, уни асраш бизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Ёшларимиз ҳам бир ниҳол, бу ниҳол токи улғайиб, қадини ростлагунча уни парвариш қилиш керак. Токи улғайганда келажагимиз давомчилари устозлардан норози бўлмасин. Ёшларимизга тўғри таълим – тарбия беришда турли хил воситалар, усул ва методлардан тўғри фойдаланибгина мақсадга эришиш мумкин.

